

Ўттиз тўрт марта сажда



07:12 / 09.09.2019 1684

Абу Воил Салама ибн Шақиқдан ривоят қилинади: «Асвад ибн Ҳилолнинг олдига кириб, «Қанийди сен ҳам, мен ҳам бу дунёдан ўтиб кетган бўлсак», дедим. У: «Жуда ёмон сўз айтдинг! Ахир ҳар куни ўттиз тўрт марта сажда қиляпмиз-ку?» деди».

Изоҳ: Асвад ибн Ҳилол ўттиз тўрт марта сажда қиламиз деганда кундалик фарз намозларини назарда тутиб айтганлар, агар суннат намозларини ҳам эътиборга олсак, жами олтмиш тўрт марта сажда қилинган бўлади.

«Солиҳлар гулшани» китобидан